

## МУСТАҚИЛЛИКДАН СЎНГ СУРХОНДАРЁ ЧОРВАЧИЛИГИДА ОЗУҚА МАҲСУЛОТИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИК НАТИЖАДОРЛИГИ

**Қосимов Абдисаттор Чориевич**

Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси

E-mail: [abdisattorq@gmail.com](mailto:abdisattorq@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада вилоят деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш уларнинг озуқа билан таъминланиш даражаси ўсиши, чорвачиликда озуқа базасини яхшилаш мақсадида қатор қарорларнинг қабул қилиниши, хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжалиklarининг буюртмалари бўйича омухта ем, шелуха ва кунжара билан ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида мулоҳазалар юритилади.

**Калит сўзлар:** деҳқон хўжаликлари, озуқа, чорва моллари, ферма.

**Abstract:** In this article, milking in regional peasant farms increases the level of their food supply, a series of decisions are taken to improve the feed base in livestock breeding, and measures are taken to organize timely supply of omukhta feed, shelukha and kunjara according to the orders of privatized farms and farms, is held.

**Key words:** farms, feed, livestock, farm.

Вилоятда деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш уларнинг озуқа билан таъминланиш даражаси ўсишига қараб кўпайишини кўрсатди. Озуқадан фойдаланиш етарли бўлмаган даражадан етарли даражагача ва мақбул даражагача оширилганида, сут соғиш миқдори анча ошгани кузатилди. Масалан, вилоятда озуқа сифати етишмаслигидан азият чеккан деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш миқдори ўртача 730, чорва молларини сақлаш

учун етарли миқдорда озуқага эга хўжаликларда 840, чорва моллари яхши озиқлантириладиган хўжаликларда 930 килограмми ташкил қилди[1].

Ўзбекистон Республикасида 1991 йилдан буён чорвачиликда озуқа базасини яхшилаш мақсадида қатор қарорлар қабул қилди, жумладан:

- хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжалиklarини уларнинг буюртмалари бўйича сифат стандартларига қатъий амал қилган ҳолда, омухта ем, шелуха ва кунжара билан ўз вақтида таъминлаш учун омухта ем фондини

ташкил этиш тўғрисида (1994 йил);

- чорвачиликнинг сифатли омухта емга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш шароитини таъминлаш тўғрисида (1997 йил);

- деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмасига воситачилик асосида фермерлар, деҳқонлар ва бошқа шахслар пул маблағларидан, шунингдек, банк кредитларидан фойдаланган ҳолда, омухта ем ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган кооперативларни ташкил этишда кўмаклашиш тўғрисида (1998 йил)[2].

Аммо, Сурхондарё вилоятида озуқа экинлари экиладиган майдонлар ва яйловларнинг қисқартирилиши туфайли кўрилган мазкур чора-тадбирлар сони тобора ортиб бораётган чорва молларининг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазиятни ўзгартира олмади.

1998 йилда республика миқёсида озуқа ишлаб чиқариш учун чорвачилик фермаларидаги суғориладиган 140 минг гектар ерга озуқа экинларини, 200 минг гектар ерга такрорий экинларни экишга қарор қилинди. Бу озуқа базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг чорва моллари сонини кўпайтиришга ёрдам бериши керак эди[3].

Бироқ, бу қарорлар тўлиқ амалга оширилмади ва озуқа экинлари учун мўлжалланган суғориладиган ерларнинг 50-60 фоизига пахта ва кузги бугдой экилди.

Олимларнинг ушбу йўналишдаги ютуқларидан фойдаланиш вилоятда озуқа экинлари етиштириш учун ажратилган ва камайиб бораётган ерларда етарли миқдорда озуқа етиштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамасининг 2006 йил 27 ноябрдаги №03/6-200 сон топшириғига биноан, 2006-2007 йиллар чорва қишловини беталофат ўтказиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайишини олдини олиш мақсадида ёпиқ биржа савдолари орқали кучли озуқаларни улгуржи нархларда сотилиши таъминланди, ушбу тадбир натижасида саноат паррандачилик корхоналарида парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқаришни кўпайишига ёрдам бўлди[4].

Вилоятдаги қорақўлчилик, қорамол наслчилиги хўжаликлари ва паррандачилик корхоналарига 2007 йил март-апрель ойларида ёпиқ биржа савдолари орқали омухта ем 564 тонна, кунжара 60 тонна, шелуха 55 тонна хўжаликларга етказилган[5].

Сурхондарё вилоятида ҳам чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақат ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмаликка алоҳида эътибор қаратилди. Бу ерлар фақат озуқа экинлари экиш учун мўлжалланди[6].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Сурхондарё вилоятининг йиллик статистик тўплами. –Термиз, 2007. –Б. 102.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “1998 — 2000-йиллар даврида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун омухта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 268-сон Қарори. 1998 йил 26 июн.

3. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. Аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуқтаи - назаридан таҳлил. - Тошкент, Насаф нашриёти. 2010. Б.92.

4. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ж.ар. 1091- фонд, 1-руйхат, иш-2841, 2-варақ.

5. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ж/ар 1091- фонд, 1-руйхат, иш-2841, 12-варақ.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли Қарори. 2008 йил 21 апрель.

